



Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги

РАСМИЙ АХБОРОТНОМА

1993 йилдан бошлаб нашр этилади

- Ихтиролар
- Фойдали моделлар
- Саноат намуналари
- Товар белгилари
- Товар келиб чиққан жой номлари
- ЭХМ учун дастурлар
- Маълумотлар базалари
- Интеграл микросхемалар топологиялари
- Селекция ютуқлари

(43) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга ва селекция ютуқларига талабномалар тўғрисидаги маълумотлар **2017 йил 28 апрелдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(45) Ушбу ахборотномага киритилган саноат намуналарига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2017 йил 28 апрелдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(450) Ушбу ахборотномага киритилган товар белгиларига гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар **2017 йил 28 апрелдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(46) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга, фойдали моделларга, селекция ютуқларига, ЭХМ учун дастурларга, маълумотлар базаларига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2017 йил 28 апрелдан** чоп этилган деб ҳисобланади

Тошкент
2017 йил

4(192)

Агентство по интеллектуальной
собственности Республики Узбекистан



ОФИЦИАЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

Издается с 1993 года

- Изобретения
- Полезные модели
- Промышленные образцы
- Товарные знаки
- Наименования мест происхождения товаров
- Программы для ЭВМ
- Базы данных
- Топологии интегральных микросхем
- Селекционные достижения

(43) Сведения о заявках на изобретения и селекционные достижения, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **28 апреля 2017 года**

(45) Сведения об охранных документах на промышленные образцы, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **28 апреля 2017 года**

(450) Сведения о свидетельствах на товарные знаки, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **28 апреля 2017 года**

(46) Сведения об охранных документах на изобретения, полезные модели, селекционные достижения, программы для ЭВМ, базы данных, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **28 апреля 2017 года**

Ташкент
2017 год

4(192)

МУНДАРИЖА

I	ИХТИРОЛАР	
	Ихтиролар ва фойдали моделларга оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.9 стандарти).....	5
	Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	BZ1A Ихтироларга талабномалар	
	A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	6
	B. Турли технологик жараёнлар.....	14
	C. Кимё ва металлургия.....	17
	D. Тўқимачилик ва қоғоз.....	31
	E. Қурилиш; Кончилик иши.....	31
	F. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	34
	G. Физика.....	36
	H. Электр.....	42
	1.5. BZ1A Ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи	
	1.1-бўлим учун ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи.....	45
	Ихтиролар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	1.2. FG4A Ихтироларга патентлар	
	A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	47
	B. Турли технологик жараёнлар.....	55
	C. Кимё ва металлургия.....	69
	D. Тўқимачилик ва қоғоз.....	77
	E. Қурилиш; Кончилик иши.....	78
	F. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	78
	G. Физика.....	80
	H. Электр.....	82
	1.5. FG4A 1.2-бўлим учун ихтироларга патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	84
	1.2-бўлим учун ихтиролар муаллифларининг ном кўрсаткичи.....	85
II	Фойдали моделлар	
	Фойдали моделлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	2.1.FG4K Фойдали моделларга патентлар	
	A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	88
	B. Турли технологик жараёнлар.....	90
	D. Тўқимачилик ва қоғоз.....	91
	F. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	91
	H. Электр.....	92
	2.2.FG4K Фойдали моделларга патентларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	94
	Фойдали моделлар муаллифларининг ном кўрсаткичи.....	95
III	Саноат намуналари	
	Саноат намуналарига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.80 стандарти)	
	Саноат намуналари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган саноат намуналари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	96
	3.1. FG4L Саноат намуналарига патентлар.....	97
	3.2. FG4L Саноат намуналарига патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	102
IV	Товар белгилари	
	Товар белгиларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.60 стандарти).....	103
	4.1. FG4W Товар белгилари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	104
	4.1. FG4W Товар белгиларига гувоҳномалар ва талабномалар бўйича тизимли ва рақамли кўрсаткичлар.....	220
VI	ЭҲМ учун дастурлар	
	ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига оид библиография маълумотларини айналаштириш учун кодлар.....	228
	6.1. ЭҲМ учун дастурлар Давлат реестри рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	229
	6.2. ЭҲМ дастурларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи.....	265
VII	Маълумотлар базалари	
	7.1. Маълумотлар базалари Давлат реестри рўйхатдан ўтказилган маълумотлар базалари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	266
	7.2. Маълумотлар базаларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи.....	267
VII	Селекция ютуқлари	
	Селекция ютуқларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун кодлар.....	268
	9.1. AA1E Қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	269
	9.2. Селекция ютуқларининг номлари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	270
	9.3. AA1E Ўсимликлар навлари ва ҳайвонлар зотларининг Давлат реестри рўйхатдан ўтказилган селекция ютуқлари тўғрисида маълумотларни нашр қилиш.....	271
	9.4. AA1E Селекция ютуқларига тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	273
IX	Интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқни топшириш бўйича шартномалар	
	10.1.QB4K/4L/4W Лицензия шартномалари.....	275
	10.2. PC4W Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар.....	278
X	ҲАБАРЛАР	
	MB4W Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини суд қарорига биноан муддатидан илгари тўхтатиш.....	283
	ND4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	283
	ND4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патент эгасининг номини ўзгартириш.....	284
	ND4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патент эгасининг манзилини ўзгартириш.....	284
	ND4K Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	284
	ND4K Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш.....	285
	ND4L Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	285
	ND4L Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш.....	286
	ND4L Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патент номини ўзгартириш.....	286
	ND4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш.....	287
	ND4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг номини ўзгартириш.....	288
	TE4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилини ўзгартириш.....	289
XIII	АВВАЛ НАШР ЭТИЛГАНЛАРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР	291
XII	РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ТОВАР БЕЛГИЛАРИ РАНГЛИ ТАСВИРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ	292

СОДЕРЖАНИЕ

I	ИЗОБРЕТЕНИЯ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к изобретениям и полезным моделям (Стандарт ВОИС ST.9).....	5
	Публикация сведений о принятых заявках на изобретения	
	1.1. BZIA Заявки на изобретения	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека	6
	B. Различные технологические процессы	14
	C. Химия и металлургия	17
	D. Текстиль и бумага	31
	E. Строительство; горное дело.....	31
	F. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы	34
	G. Физика.....	36
	H. Электричество.....	42
	1.5. BZIA Систематический указатель заявок на изобретения	
	Систематический указатель заявок на изобретения к подразделу 1.1.....	45
	Публикация сведений об изобретениях, зарегистрированных в Государственном реестре изобретений	
	1.2. FG4A Патенты на изобретения.	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека.....	47
	B. Различные технологические процессы	55
	C. Химия и металлургия	69
	D. Текстиль и бумага	77
	E. Строительство; горное дело.....	78
	F. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы	78
	G. Физика.....	80
	H. Электричество.....	82
	1.5. FG4A Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на изобретения к подразделу 1.2.....	84
	Именной указатель авторов изобретений к подразделу 1.2.....	85
II	ПОЛЕЗНЫЕ МОДЕЛИ	
	Публикация сведений о полезных моделях, зарегистрированных в Государственном реестре полезных моделей	
	2.1.FG4K Патенты на полезные модели	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека.....	88
	B. Различные технологические процессы	90
	D. Текстиль и бумага	91
	F. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы	91
	H. Электричество.....	92
	2.2.FG4K Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на полезные модели.....	94
	Именной указатель авторов полезных моделей.....	95
III	ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к промышленным образцам (Стандарт ВОИС ST. 80)	
	Публикация сведений о промышленных образцах, зарегистрированных в Государственном реестре промышленных образцов..	96
	3.1. FG4L Патенты на промышленные образцы.....	97
	3.2. FG4L Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на промышленные образцы.....	102
IV	ТОВАРНЫЕ ЗНАКИ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к товарным знакам (Стандарт ВОИС ST.60).....	103
	4.1. FG4W Публикация сведений о товарных знаках, зарегистрированных в Государственном реестре товарных знаков.....	104
	4.1. FG4W Систематический и нумерационный указатели свидетельств и заявок на товарные знаки.....	220
VI	ПРОГРАММЫ ДЛЯ ЭВМ	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к программам для ЭВМ и базам данных.....	228
	6.1. Публикация сведений о программах для ЭВМ, зарегистрированных в Государственном реестре программ для ЭВМ.....	229
	6.2. Нумерационный указатель заявок на программы для ЭВМ.....	265
VII	БАЗЫ ДАННЫХ	
	7.1. Публикация сведений о базах данных, зарегистрированных в Государственном реестре базы данных.....	266
	7.2. Нумерационный указатель заявок на базы данных.....	267
IX	СЕЛЕКЦИОННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к селекционным достижениям.....	268
	9.1. AA1E Публикация сведений о принятых заявках.....	269
	9.2. Публикация сведений о названиях селекционных достижений	270
	9.3. AA1E Публикация сведений о селекционных достижениях, зарегистрированных в Государственном реестре сортов растений и пород животных.....	271
	9.4. AA1E Систематический и нумерационный указатели на селекционные достижения.....	273
X	ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ	
	10.1. QB4K/4L/4W Лицензионные договоры.....	275
	10.2. PC4W Договоры о передаче прав.....	278
XII	ИЗВЕЩЕНИЯ	
	MB4W Досрочное прекращение действия свидетельства на товарный знак по решению суда.....	283
	ND4A Восстановление срока действия патента Республики Узбекистана изобретения	283
	ND4A Изменение наименования владельца патента Республики Узбекистан на изобретения	284
	ND4A Изменение адреса владельца патента Республики Узбекистан на изобретения	284
	ND4K Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на полезный модел.....	284
	ND4K Продление срока действия патента Республики Узбекистанна полезный модел.....	285
	ND4L Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец.....	285
	ND4L Продление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец.....	286
	ND4L Изменение наименования патента Республики Узбекистан на промышленный образец.....	286
	ND4W Продление срока действия свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак.....	287
	ND4W Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак.....	288
	TE4W Изменение адреса владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак.....	289
XIII	ИСПРАВЛЕНИЯ К РАНЕЕЕ ОПУБЛИКОВАННОМУ	291
XIV	ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ ЦВЕТНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ.....	292

**ИХТИРОЛАР ВА ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРГА ОИД БИБЛИОГРАФИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН
ХАЛҚАРО КОДЛАР
(БИМТ ST.9 стандарти)**

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ БИБЛИОГРАФИЧЕСКИХ
ДАННЫХ, ОТНОСЯЩИХСЯ
К ИЗОБРЕТЕНИЯМ И ПОЛЕЗНЫМ МОДЕЛЯМ
(Стандарт ВОИС ST.9)**

- | | |
|--|---|
| (11) - патент рақами | (11) - номер патента |
| (13) - ҳужжат турининг коди | (13) - код вида документа |
| (21) - талабномани рўйхатдан ўтказиш рақами | (21) - регистрационный номер заявки |
| (22) - талабномани топшириш санаси | (22) - дата подачи заявки |
| (23) - бошқа сана(лар), жумладан бирмунча олдин топширилган талабномага қўшимча материаллар келиб тушган сана | (23) - прочая(ие) дата(ы), включая дату поступления дополнительных материалов к более ранней заявке |
| (31) - устуворлик талабномасининг рақами | (31) - номер приоритетной заявки |
| (32) - устуворлик талабномасининг топширилиш санаси | (32) - дата подачи приоритетной заявки |
| (33) - устуворлик мамлакатининг коди | (33) - код страны приоритета |
| (46) - муҳофаза ҳужжатининг чоп этилиш санаси | (46) - дата публикации охранного документа |
| (51) - Халқаро патент классификациясининг (ХПК) индекси(лари) | (51) – индекс(ы) Международной патентной классификации (МПК) |
| (54) - ихтиро номи | (54) - название изобретения |
| (57) - ихтиро ёки фойдали моделнинг реферати, формуласи | (57) - реферат, формула изобретения или полезной модели |
| (60) - бошқа ҳуқуқий ёки процедура бўйича боғлиқ миллий ёки собиқ миллий патент ҳужжатларига ҳаволалар | (60) - ссылки на другие юридически или процедурно связанные отечественные или бывшие отечественные патентные документы |
| (63) - ўзининг давоми бўлган ушбу ҳужжатга нисбатан бирмунча олдин топширилган талабноманинг рақами ва санаси | (63) - номер и дата подачи более ранней заявки, по отношению к которой настоящий документ является продолжением |
| (65) - ушбу талабномага тегишли илгари нашр қилинган патент ҳужжатининг рақами | (65) - номер ранее опубликованного патентного документа, касающегося данной заявки |
| (71) - талабнома берувчининг номи, мамлакат коди | (71) - имя заявителя, код страны |
| (72) - муаллифнинг номи, мамлакат коди | (72) - имя автора, код страны |
| (73) - патент эгасининг номи | (73) - имя патентообладателя |
| (85) - РСТнинг 23(1)- ёки 40(1) - моддасига мувофиқ халқаро талабноманинг миллий босқичга ўтиш санаси | (85) - дата перехода международной заявки на национальную фазу в соответствии со ст.23(1) или 40(1) РСТ |
| (86) - РСТ халқаро талабномасининг талаб қилинувчи маълумотлари, яъни талабнома топширилган сана, талабноманинг рўйхатга олиш рақами ва факультатив равишда нашр қилинган талабнома дастлабки топширилгандаги тил | (86) - заявочные данные международной заявки РСТ, т.е. дата подачи заявки, регистрационный номер заявки и факультативно язык, на котором была первоначально подана опубликованная заявка |
| (87) - РСТ халқаро талабномасининг нашр қилинишига оид маълумотлар, яъни талабноманинг нашр қилинган санаси, нашр рақами ва факультатив равишда талабнома нашр қилинган тил | (87) - данные относительно публикации международной заявки РСТ, т.е. дата публикации, номер публикации и факультативно язык публикации заявки |

I. ИХТИРОЛАР ИЗОБРЕТЕНИЯ

Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш

Публикация сведений о принятых заявках на изобретения

1.1. BZ1A

ИХТИРОЛАРГА ТАЛАБНОМАЛАР

ЗАЯВКИ НА ИЗОБРЕТЕНИЯ

А бўлим
ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ
ҚОНДИРИШ

Раздел А
УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ЖИЗНЕННЫХ
ПОТРЕБНОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА

A01

(13) В

(21) IAP 2015 0380

(22) 09.10.2015

(51) A01B 35/26, A01B 49/02

(71) "Bosh maxsus konstruktorlik byurosi – Agromash" акциядорлик жамияти, UZ

Акционерное общество "Bosh maxsus konstruktorlik byurosi - Agromash", UZ

(72) Ахметов Адилбек Агабекович, Арипов Абдухамид Оналбекович, Мусурмонов Аззам Турдиевич, UZ

(54) Тупроққа ишлов бериш машинасининг иш қуроли

Рабочий орган почвообрабатывающей машины

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* қишлоқ хўжалик, айнан, тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишчи органлари. *Вазифаси:* тупроққа ишлов бериш машиналари ёнма-ён ишчи органлари бир қатор жойлаштирилганда тупроққа ишлов бериш машиналарининг габарит ўлчамларини кичрайтириб уларнинг излари қопланишини таъминлаш, манёврчанлигини, ишчи органларнинг чуқурлатиш ва чиқариш йўли узунлигини ошириш ва натижада бурилиш полосаси кенглигини камайтириш. *Ихтиро моҳияти:* тупроққа ишлов бериш машинасининг навбатлашиб келадиган ишчи органлари қанотларининг

хар бири ишчи орган қаноти тиғига нисбатан ҳаракат йўналиши бўйича поғонали жойлаштирилган ва қамраш кенглиги ёнма-ён ишчи органлар излари орасини ёпадиган қўндаланг пластина билан таъминланган. Бунда ўнг ва чап қанотларга маҳкамланган пластинкалар тортқи билан ўзаро шарнирли ва кинематик равишда шундай боғланганки, улар фазовий ҳолатда тўрт звеноли механизмдан иборат бўлади, тортқи эса, устига кийдирилган ва бир учи устунга, бошқа учи тортқининг ўзига маҳкамланган таянчга маҳкамланган кронштейнга тақаладиган барқарорлаштирувчи пружиналар билан таъминланган. Тупроққа ишлов бериш машинаси ишчи органининг бундай ишлангани ёнма-ён ишчи органлар излари орасини тўлиқ ёпишга имкон беради ва бир текис чуқурликда ишлов беришни таъминлайди.

Использование: сельское хозяйство, а именно рабочие органы почвообрабатывающих машин. *Задача:* обеспечение перекрытия следов смежных рабочих органов почвообрабатывающих машин при их однорядном расположении с уменьшением габаритных размеров почвообрабатывающих машин, повышение их маневренности, длины пути заглубления и выглубления рабочих органов и, в конечном счете, уменьшение ширины поворотных полос. *Сущность изобретения:* каждая из крыльев чередующихся рабочих органов почвообрабатывающей машины снабжена расположенной ступенчато по направлению движения относительно лезвия крыла рабочего органа торцевой пластинкой с шириной захвата, прикрывающей междуследие смежных рабочих органов. При этом пластинки, закрепленные к правым и левым крыльям,

шарнирно и кинематически связаны между собой тягой так, что вместе они в пространственном положении представляют собой четырехзвенный механизм, а тяга снабжена надетыми на нее стабилизирующими пружинами, упирающимися одним концом в кронштейн, закрепленный к стойке, а другим концом - в упор, закрепленный на самой тяге. Такое исполнение рабочего органа почвообрабатывающей машины позволяет полностью перекрывать следы смежных рабочих органов и тем самым обеспечивает достижение равномерности дна обработки.

(13) В

(21) IAP 2015 0404 (22) 16.10.2015
(51) A01D 91/04

(63) FAP 20150087, 09.06.2015

(71) Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, UZ

Научно-исследовательский институт механизации и электрификации сельского хозяйства, UZ

(72) Усаров Садулла, Михайловский Александр Николаевич, UZ

(54) Пахта ҳосилининг очилган қисмини териш усули
Способ уборки раскрытой части урожая хлопчатника

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, айнан, пахта ҳосилини териш. **Вазифаси:** пахта териш машинасида териладиган хом ашёнинг йиллик маҳсулини ошириш, йиғим-терим даври узунлигини қисқартириш, техник-иктисодий кўрсаткичларни яхшилаш. **Ихтиро моҳияти:** пахта ҳосилининг очилган қисмини машинада териш кўсақларнинг 85 % и ва ундан кўп қисми очилганда бир-бирини кетидан юрадиган иккита машинанинг орада вақт интервалсиз кетма-кет юриши билан олиб борилади, бунда ишлов берилаётган майдоннинг 1/4 қисмидаги пахта машинанинг икки марта юришида терилади.

Использование: сельскохозяйственное производство, а именно уборка урожая хлопчатника. **Задача:** увеличение годовой выработки хлопкоуборочной машины, сокращение длительности периода уборки, улучшение технико-экономических показателей. **Сущность изобретения:** машинный сбор раскрытой части урожая хлопчатника проводят при раскрытии 85 и более процентов коробочек за два следующих

друг за другом без временного интервала заезда машин, причём хлопок на 1/4 части обрабатываемой площади собирается двукратным проходом машины, а уборка хлопка с оставшейся площади производится однократным проходом хлопкоуборочной машины.

(13) В

(21) IAP 2016 0343 (22) 31.08.2016

(51) A01M 1/00

(71) Тошкент давлат аграр университети "Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий тадқиқот маркази" давлат унитар корхонаси, UZ

Государственное унитарное предприятие "Научный исследовательский центр биологической защиты растений" Ташкентского государственного аграрного университета, UZ

(72) Жумаев Расул Ахматович, Сулаймонов Ботир Абдушукирович, Кимсанбаев Хожимурод Хамрокулович, Анарбаев Азим Раимкулович, Болқибоев Шохрух Шавкат ўғли, UZ

(54) Трихограмма турларини (HUMENOPTERA: TRICHOGRAMMATIDAE) ўстириш учун сунъий озуқа

Искусственное питание для выращивания видов трихограмм (HUMENOPTERA: TRICHOGRAMMATIDAE)

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** биология, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига қарши энтомофағлар, хусусан трихограмма оиласидаги бир неча самарали турлар ёрдамида кураш учун қўллашга мўлжалланган. **Вазифаси:** қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашишда қўлланадиган энтомофағларни ўстириш учун йилнинг исталган мавсумида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган сунъий озуқани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** трихограмманинг самарали турларини ўстириш учун сунъий озуқа, ҳашарот гемолинфаси 10% ли қурутилган сут эритмаси, товук тухуми сариғи, Найзенхаймернинг тузли эритмасини ўз ичига олади. Бу сунъий озуқа ҳашарот гемолинфаси сифатида *Gallaria mellonella* нинг гемолинфасини ҳамда қўшимча равишда 2 мг дан пенициллин, стрептомицин, гентомицинни компонентларининг қуйидаги нисбатида ўз ичига олади, масса % ҳисобида: *Gallaria mellonella* гемолимфаси - 40 ± 4 %; 10 % ли қурутилган сут эритмаси - 24.5 г ± 3 %; тухум сариғи - 24.5 ± 5 %, Найзенхаймернинг тузли эритмаси - 11 ± 3 %; ва шунингдек: 2 мг пенициллин., 2 мг стрептомицин., 2 мг гентомицинн.

Использование: биология, энтомофаги против вредителей сельскохозяйственных культур, в частности, борьба с помощью нескольких эффективных видов рода трихограммы. **Задача:** создание искусственного питания для выращивания энтомофагов, применяемых в борьбе против сельхозвредителей, с возможностью производства в любое время года. **Сущность изобретения:** искусственное питание для выращивания эффективных видов трихограммы включает гемолимфу насекомого, раствор 10%-ного сухого молока, желток куриного яйца, раствор соли Найзенхаймера. Данное искусственное питание в качестве гемолимфы насекомого содержит гемолимфу *Gallaria mellonella*, а также дополнительно содержит по 2 мг пенициллина, стрептомицина, гентомицина в следующем соотношении компонент, масс. %: гемолимфа *Gallaria mellonella* -40 - 4; раствор 10%-ного сухого молока - 245 г - 3 %; желток яйца - 24,5- 5 %, раствор соли найзенхаймера - 11-3 %; а также 2 мг пенициллина, 2 мг стрептомицина, 2 мг гентомицина.

(13) В

(21) IAP 2016 0344

(22) 31.08.2016

(51) A01M 1/00

(71) Тошкент давлат аграр университети "Ўсимликларни биологик химоя қилиш илмий тадқиқот маркази" давлат унитар корхонаси, UZ

Государственное унитарное предприятие "Научный исследовательский центр биологической защиты растений" Ташкентского государственного аграрного университета, UZ

(72) Кимсанбаев Хожимурод Хамрокулович, Сулаймонов Ботир Абдушукирович, Жумаев Расул Ахматович, Рустамов Анвар Ахматович, Сулаймонов Отабек Абдушукирович, UZ

(54) **Бракон турларини (HYMENOPTERA: BRACONIDAE) ўстириш учун сунъий озука Искусственное питание для выращивания видов бракон (HYMENOPTERA: BRACONIDAE)**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** биология, кишлок хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши энтомофаглар, хусусан, бракон оиласидаги бир неча самарали турлар ёрдамида кураш учун қўллашга мўлжалланган. **Вазифаси:** кишлок хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда қўлланадиган энтомофагларни ўстириш учун йилнинг исталган мавсумида ишлаб чиқа-

риш имконияти мавжуд бўлган сунъий озуқани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** Braconidae ға ўстириш учун сунъий озуқа ҳашарот гемолимфаси, 10% ли қурутилган сут эритмаси, товук тухуми сариғи, Найзенхаймернинг тузли эритмасини ўз ичига олади. Бу сунъий озуқа ҳашарот гемолимфаси сифатида *Gallaria mellonella* нинг гемолимфасини ҳамда қўшимча равишда 2 мг дан стрептомицин, гентомицинни компонентларини қуйдаги нисбатида ўз ичига олади, масса ± % хисобида. *Gallaria mellonella* гемолимфаси -45 ± 2 %; 10 % ли қурутилган сут эритмаси - 18.4 ± 3 %; тухум сариғи - 24.6± 4 %, Найзенхаймернинг тузли эритмаси - 12±2 %; ва шу-нингдек: 2 мг стрептомицин., 2 мг гентомицин.

Использование: биология, энтомофаги против вредителей сельскохозяйственных культур, в частности, борьба с помощью нескольких эффективных видов рода бракон. **Задача:** создание искусственного питания для выращивания энтомофагов, применяемых в борьбе против сельхозвредителей, с возможностью производства в любое время года. **Сущность изобретения:** искусственное питание для выращивания Braconidae ға включает гемолимфу насекомого, раствор 10%-ного сухого молока, желток куриного яйца, солёный раствор Найзенхаймера. Данное искусственное питание в качестве гемолимфы насекомого содержит гемолимфу *Gallaria mellonella*, а также дополнительно содержит по 2 мг стрептомицина, гентомицина в следующем соотношении компонент, масс. %: гемолимфа *Gallaria mellonella* -45 ± 2 %; раствор 10%-ного сухого молока - 18.4 ± 3 %; желток яйца - 24.6± 4 %, солёный раствор Найзенхаймера - 12±2 %; а также: 2 мг стрептомицина, 2 мг гентомицина.

A24

(13) В

(21) IAP 2015 0385

(22) 10.03.2014

(51) A24D 3/06, A24D 3/16

(31)(32)(33) 61/779,114, 13.03.2013, US

(71) Селаниз Ацетат ЭлЭлСи, US

(72) КИЗЕР, Лоутон Э., РОБЕРТСОН, Раймонд М., US

(85) 12.10.2015

(86) 10.03.2014, PCT/US2014/022585

(87) 09.10.2014, WO 2014/164492

(54) Тутун оқимининг компонентларини камайтириш учун тутун фильтрлари
Фильтры дыма для уменьшения компонентов в потоке дыма

(57) Фойдаланиш соҳаси: тамаки саноати. **Вазифаси:** тортиш характеристикаларига минимал таъсир кўрсатадиган, шу билан бирга тамаки тутунининг асосий оқимидаги углерод монооксид ва феноллар каби баъзи компонента-ларнинг катта қисмини йўқотадиган самарали композицияларни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** ихтирога мувофиқ тутунининг оқимидаги углерод монооксид ва феноллар концентрациясини пасайтирадиган тутун фильтрлари кўплаб фаол зарраларни, кўплаб боғловчи зарраларни ҳамда фаол зарралар ва боғловчи зарраларнинг камида бир қисми устига жойлаштирилган фаол қопламани ўз ичига олган ва фаол зарралар ҳамда боғловчи зарралар бир-бири билан кўплаб контакт нукталари орқали боғланган ғовакли материал секциясини ва фильтрлаш секциясини ўз ичига олиши мумкин. Баъзи ҳолларда фильтр кўплаб боғловчи зарраларни кўплаб фаол зарраларни ўз ичига олган ва фаол зарралар ҳамда боғловчи зарралар бир-бири билан кўплаб адгезивсиз контакт нукталари орқали боғланган ғовакли материал секциясини ва фаол кўшимчани ўз ичига олган фильтрлаш секциясини ўз ичига олиши мумкин.

Использование: табачная промышленность. **Задача:** создание эффективных композиций, минимально влияющих на характеристики втягивания, удаляя при этом большее количество некоторых компонентов в основном потоке табачного дыма, таких, как монооксид углерода и фенолы. **Сущность изобретения:** согласно изобретению фильтры дыма, которые снижают концентрацию монооксида углерода и фенолов в потоке дыма, могут содержать секцию пористого материала, содержащую множество активных частиц, множество связующих частиц и активное покрытие, расположенное на, по меньшей мере, части активных частиц и связующих частиц, при этом активные частицы и связующие частицы связаны друг с другом во множестве точек контакта; и фильтрующую секцию. В некоторых случаях фильтр может содержать секцию пористого материала, содержащую множество активных частиц и множество связующих частиц, при этом активные частицы и связующие частицы связаны друг с другом во

множестве точек контакта без адгезива; и фильтрующую секцию, содержащую активную присадку.

A61

(21) IAP 2015 0388

(22) 13.10.2015

(51) A61B 17/56

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти, UZ

Научно-исследовательский институт травматологии и ортопедии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Ирисметов Мурод Эргашевич, Расулов Мирзохид Расулович, UZ

(54) Тизза қопқоғининг посттравматик латерал чиқишларини жарроҳлик йўли билан даволаш усули

Способ хирургического лечения посттравматических латеральных вывихов надколенника

(57) Фойдаланиш соҳаси: тиббиёт, хусусан, травматология, ортопедия, айнан, тизза қопқоғининг диспластик ва посттравматик латерал чиқишларини даволаш. **Вазифаси:** тизза қопқоғининг чиқишларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратларни камайтириш, тизза бўғимини тезроқ ҳаракатланишига эришиш. **Ихтиро моҳияти:** посттравматик латерал чиқишларни жарроҳлик йўли билан даволаш усули тизза қопқоғини сон суяги медиал тўпигининг олиб келувчи бўртмачасига маҳкамлаш, ярим пай ёки юмшоқ мускулнинг пайини мускул қоринпардасидан ажратиш ва кесиб ташлаш, пайнинг дистал қисмини тизза қопқоғи пайининг медиал қисми билан қўшиб тикиш, тизза қопқоғи пайининг латерал қисмини кесиш йўли билан амалга оширилади. Унда тизза қопқоғининг бўғимдан ташқари медиал сиртида 45° бурчак остида горизонтал йўналишда иккита туннел шакллантирилади, уларнинг учларини бирлаштириб битта туннел ҳосил қилинади, тайёрлаб қўйилган пай олинган туннелнинг бир учидан иккинчи учига ўтказилади, пайнинг учлари ҳосил қилинган туннелда бирлаштирилади ва биодеградацияланувчи винт билан сон суягининг тўпик усти қисмининг ички сиртига маҳкамланади.

Использование: медицина, в частности, травматология, ортопедия, а именно лечение диспластических и посттравматических латеральных вывихов надколенника. **Задача:** улучшение результатов хирургического лечения вывихов надколенника, снижение послеоперационных осложнений, возможность ранней разработки коленного сустава. **Сущность изобретения:** предложен способ хирургического лечения посттравматических латеральных вывихов путем фиксации надколенника к приводящему бугорку медиального мыщелка бедренной кости, выделение и отсечение сухожилия полусухожильной или нежной мышцы от мышечного брюшка, сшивание дистальной части сухожилия с медиальной частью связки надколенника, рассечение латеральной части связки надколенника. При этом внесуставно на медиальной поверхности надколенника формируют два туннеля горизонтально под углом 45°, концы которых соединяют и образуют единый туннель, по полученному туннелю с одного на другой конец проводят приготовленное сухожилие, концы сухожилия соединяют в созданном туннеле и фиксируют к внутренней поверхности надмыщелки бедренной кости биodeградирующим винтом.

(13) В

(21) IAP 2016 0070

(22) 01.03.2016

(51) A61K 35/78

(71) Toshkent farmatsevtika instituti, UZ

Ташкентский фармацевтический институт, UZ

(72) Урманова Флюра Фаридовна, Нуридуллаева Камола Негматиллоевна, UZ

(54) Антидиабетик восита

Антидиабетическое средство

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармация, ўсимликдан олинган ва антидиабетик таъсирга эга бўлган ва озик-овқатга қўшиладиган биологик фалол қўшимча сифатида қўлланиши мумкин. **Вазифаси:** ўсимликдан олинган самарали, осон топиладиган, шу билан бирга, пребиотик ва иммунитет тизимини рағбатлантириш ҳамда қон ҳосил қилиш (лейкопоз) хусусиятларига эга бўлган антидиабетик воситани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** ўсимлик асосидаги антидиабетик восита (БФҚ) сифатида Cousinia umbrosa Vge ўсимлиги илдизларининг қуруқ экстрактидан фойдаланилади.

Испльзование: фармация и может быть использовано в качестве биологически активной до-

бавки к пище растительного происхождения, обладающей антидиабетическим действием. **Задача:** создание эффективного доступного растительного антидиабетического средства, обладающего, кроме того, пребиотическими и стимулирующими систему иммунитета и кроветворение (лейкопоз) свойствами. **Сущность изобретения:** в качестве антидиабетического средства (БАД) на растительной основе используют су-хой экстракт корней кузинии теневой (Cousinia umbrosa Vge).

(13) В

(21) IAP 2017 0033

(22) 24.01.2017

(51) A61K 36/00

(71)(72) Имамалиев Бахтиёр Алишерович, UZ

(54) Экземани даволаш учун фитойиғма

Фитосбор для лечения экземы

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт ва дерматология. **Вазифаси:** экземани сиртки даволаш учун қўлланадиган янги фитойиғмани ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** экзема билан касалланган беморларни сиртки даволаш учун қўлланадиган фитойиғма кўринишидаги дори препарати. Фитойиғма куйидаги таркибга эга: оддий дуб (пўстлоғи) 3,0; уч рангли бинафша (ўт) 2,0; оддий кулмок (ғуддалари) 2,0; доривор календула (гуллари) 1,0; икки уйли қичитки ўт (барглари) 1,0; дала қирқбўғини (ўт) 1,0; доривор маврак (барглари) 1,0. Ўтлар, гуллар ва барглар учун майдалаш даражаси 5 мм гача (0,18-5 мм), илдизлар учун эса 3 мм гача (0,18-3 мм). Ишлаб чиқилган фитойиғма яллиғланишга қарши, антиэксадатив, десенсибилизацияловчи ва қичишга қарши қучли таъсирга эга, шунингдек, ярани битирувчи ва антисептик таъсирга эга ва экземани сиртки даволаш учун самарали восита ҳисобланади.

Использование: медицина и дерматология. **Задача:** разработка нового фитосбора, применяемого для наружной терапии экземы. **Сущность изобретения:** предложен лекарственный препарат, применяемый для наружной терапии больных с экземой в виде фитосбора. Фитосбор имеет следующий состав: дуб обыкновенный (кора) 3,0; фиалка трёхцветная (трава) 2,0; хмель обыкновенный (шишки) 2,0; календула лекарственная (цветы) 1,0; крапива двудомная (листья) 1,0; хвощ полевой (трава) 1,0; шалфей лекарственный (листья) 1,0. Степень измельчения для трав, цветов и листьев до 5 мм (0,18-5 мм), а для корней - до 3 мм (0,18-3 мм). Разра-

ботанный фитосбор обладает выраженным противовоспалительным, антиэкссудативным, десенсибилизирующим и противозудным действием, а также проявляет необходимое ранозаживляющее и антисептическое действие и является эффективным средством для наружной терапии экземы.

(13) В

(21) IAP 2017 0034

(22) 24.01.2017

(51) A61K 36/00

(71)(72) Имамалиев Бахтиёр Алишерович, UZ

(54) Атопик дерматитни даволаш учун фитойиғма

Фитосбор для лечения атопического дерматита

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт ва дерматология. **Вазифаси:** атопик дерматитни сиртки даволаш учун қўлланадиган янги фитойиғмани ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** атопик дерматит билан касалланган беморларни сиртки даволаш учун қўлланадиган фитойиғма кўри-нишидаги дори препарати. Фитойиғма куйидаги таркибга эга: уч рангли бинафша (ўт) 3,0; оддий кулмоқ (ғуддалари) 2,0; қизилмия (илдизлари) 2,0; аптека мойчечаги (гуллари) 1,0; икки уйли кичитки ўт (барглари) 1,0; доривор календула (гуллари) 1,0; дала қирқбўғини (ўт) 1,0. Ўтлар, гуллар ва барглари учун майдалаш даражаси 5 мм гача, илдизлар учун эса 3 мм гача. Ишлаб чиқилган фитойиғма яллиғланишга қарши, десенсибилизацияловчи ва қичишга қарши кучли таъсирга эга, шунингдек, ярани битирувчи ва антисептик таъсирга эга ва атопик дерматитни сиртки даволаш учун самарали восита ҳисобланади.

Использование: медицина и дерматология. **Задача:** разработка нового фитосбора применимого для наружной терапии атопического дерматита. **Сущность изобретения:** предложен лекарственный препарат, применяемый для наружной терапии больных с атопическим дерматитом, в виде фитосбора. Фитосбор имеет следующий состав: фиалка трёхцветная (травы) 3,0; хмель обыкновенный (шишки) 2,0; солодка голая (корни) 2,0; ромашка аптечная (цветы) 1,0; крапива двудомная (листья) 1,0; календула лекарственная (цветы) 1,0; хвощ полевой (травы) 1,0. Степень измельчения для трав, цветов и листьев до 5 мм, а для корней - до 3 мм. Разработанный фитосбор обладает выраженным противовоспалительным, десенсибилизирующим и

противозудным действием, а также проявляет необходимое ранозаживляющее и антисептическое действие и является эффективным средством для наружной терапии атопического дерматита.

(13) В

(21) IAP 2015 0387

(22) 06.03.2014

(51) A61K 38/14, A61K 31/545, C07D 501/00, C07K 9/00

(31)(32)(33) 61/779,065, 13.03.2013, US

(71) ТЕРЕВАНС БАЙОФАРМА АНТИБАЙОТИКС АйПи, ЭлЭлСи, US

(72) Чжан, Вэйцзянь, Чеунг, Ронни, Филипов, Димитар, Грин, Джек, Ли, Цзюньнин, US

(85) 12.10.2015


(86) 06.03.2014, PCT/US2014/021064

(87) 02.10.2014, WO 2014/158952

(54) Антибиотик бирикманнинг гидрохлорид тузлари

Гидрохлоридные соли антибиотического соединения


(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтик кимё, тиббиёт. **Вазифаси:** фармацевтик препаратларни сақлаганда барқарорлиги кўшимча равишда оширадиган тузларни ўз ичига олган янги фармацевтик композицияларни олиш. **Ихтиро моҳияти:** ушбу ихтиро куйидаги формула бирикмасига оид



Унда x тахминан 1 дан тахминан 2 гача бўлган диапазонда ётади. Ихтиро шунингдек, шундай бирикмаларни ўз ичига олган фармацевтик композицияларга; бундай бирикмаларни олиш усулларига; ва бундай бирикмаларни масалан, бактериал инфекцияларни даволашда қўллаш усулларига оид.

Использование: фармацевтическая химия, медицина. **Задача:** получение новых фармацевтических композиций, содержащих такие соли, которые дополнительно повышают стабиль-

ность при хранении фармацевтических препаратов. **Сущность изобретения:** настоящее изобретение относится к соединению формулы



где x находится в диапазоне от приблизительно 1 до приблизительно 2. Изобретение также относится к фармацевтическим композициям, содержащим такие соединения; к способам получения таких соединений; и способам применения таких соединений в, например, лечении бактериальных инфекций.

(13) В

(21) IAP 2015 0379

(22) 07.03.2014

(51) A61K 38/18, C07K 14/475

(31)(32)(33) 61/775,400, 08.03.2013, US

(31)(32)(33) 61/938,123, 10.02.2014, US

(71) НОВАРТИС АГ, СН

(72) ДЖОНСОН, Кристен, ШИ, Цзянь, US

(85) 08.10.2015

(86) 07.03.2014, PCT/US2014/022102

(87) 12.09.2014, WO 2014/138687

(54) **Пептидлар ва бўғимлар шикастланишини даволаш учун композициялар**
Пептиды и композиции для лечения поврежденных суставов

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтик кимё ва тиббиёт, айнан, бўғимлар шикастланишини даволаш учун пептидлар ва композициялар. **Вазифаси:** ёввойи типдаги ANGPTL3 га нисбатан яхшиланган фармацевтик хусусиятларга, масалан, катта барқарорлик, протеолиз ва ферментатив деградацияга дучор бўлиш эҳтимоли камликка эга бўлган полипептидлар ва 3 (ANGPTL3) ангиопозтинга ўхшаш оксилларнинг янги вариантларини тақдим этиш. **Ихтиро моҳияти:** мазкур ихтиро протеазага барқарор янги полипептидларни, шунингдек, бўғимлар шикастланишига, шу жумладан, бўғимлар жароҳатлари ва артритга оид ҳолатларни даволаш, енгиллаштириш ва олдини олиш усуллари ва композициялар.

Использование: фармацевтическая химия и медицина, а именно пептиды и композиции для лечения повреждений суставов. **Задача:** предоставление новых вариантов полипептидов и белков ангиопозтин-подобного белка 3 (ANGPTL3), имеющих улучшенные фармацевтические свойства, например, большая стабильность, меньшая подверженность протеолизу и ферментативной деградации, чем ANGPTL3 дикого типа. **Сущность изобретения:** настоящее изобретение предоставляет новые протеаза-устойчивые полипептиды, а также композиции и способы лечения, облегчения и предупреждения состояний, относящихся к повреждению суставов, включая тяжелые травмы суставов и артрит.

(13) В

(21) IAP 2015 0399

(22) 14.03.2014

(51) A61K 39/00

(31)(32)(33) 61/789,091, 15.03.2013, US

(71) ЛОС-АНДЖЕЛЕС БИОМЕДИКАЛ РЕСЕРЧ ИНСТИТУТ ЭТ ХАРБОР-УКЛА МЕДИКАЛ ЦЕНТЕР, US

НОВАДИГМ ТЕРАПЬЮТИКС, ИНК., US

(72) ИБРАГИМ, Ашраф, С., ЙИМАН, Майкл, Р., ФИЛЛЕР, Скотт, Дж., ЭДВАРДС, Джон, Е., Джр., ХЕННЕСИ, Джон, П., Джр., US

(85) 15.10.2015

(86) 14.03.2014, PCT/US2014/028521

(87) 18.09.2014, WO 2014/144211

(54) **Замбуруғли ва бактериал патогенларни даволаш усуллари ва композициялари**
Композиции и способы лечения грибковых и бактериальных патогенов

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт ва ветеринария, хусусан, субъектда юкумли касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усуллари ва композициялари. **Вазифаси:** замбуруғга қарши воситалар арсеналини кенгайтириш, кандидозга, шунингдек, бир қатор бактериал инфекцияларга қарши даволаш ва вакцинациялаш самардорлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** таклиф қилинган ихтиролар гуруҳи бир қатор юкумли касалликларга нисбатан ўзига хос фаолликка эга бўлган полипептидлар асосидаги биологик фаол бирикмаларни ўз ичига олган препаратларнинг янги гуруҳини олишни таъминлайди, шунингдек, хусусан, кандидозни даволашни баҳолаш учун усуллар ва материалларни, Acinetobacter билан қақриладиган инфекцияни даволашни баҳолаш учун усуллар ва материалларни, стафилокок инфекциясини да-

волашни баҳолаш учун усуллар ва материалларни, грамманфий бактериялар билан чақириладиган инфекцияларни даволаш ёки олдини олиш усулини тақдим этади.

Использование: медицина и ветеринария, в частности, композиции и способы обнаружения, лечения и предупреждения инфекционных заболеваний у субъекта. **Задача:** расширение арсенала противогрибковых средств, повышение эффективности лечения и вакцинации против кандидоза, а также ряда бактериальных инфекций. **Сущность изобретения:** предлагаемая группа изобретений обеспечивает получение новой группы препаратов, содержащих биологически активные соединения на основе полипептидов, обладающих специфической активностью в отношении ряда инфекционных заболеваний, а также представляет, в частности, способы и материалы для оценки лечения кандидоза, способы и материалы для оценки лечения инфекции, вызванной *Acinetobacter*, способы и материалы для оценки лечения стафилококковой инфекции, способ лечения или профилактики инфекций, вызванных грамотрицательными бактериями.

(13) В

(21) IAP 2015 0400

(22) 15.10.2015

(51) A61K 39/018

(71) Республика хайвонлар ўта хавфли касалликлари бўйича ихтисослашган ветеринария лабораторияси, UZ

Республиканская специализированная лаборатория по особоопасным болезням животных, UZ

(72) Абдурасулов Шавкат Абдурасул ўғли, Нурмаматов Хошим Пирматович, Абдусатторов Абдусалом, UZ

(54) Қорамолларнинг тейлериозини олдини олиш учун культурал вакцина ва уни олиш усули

Культуральная вакцина для профилактики тейлериоза крупного рогатого скота и способ её получения

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ветеринария, хусусан, қорамолларнинг тейлериозини вакциналаш йўли билан олдини олиш усуллари. **Вазифаси:** турли ёшдаги қорамоллар ва бўғоз сигирларда тейлериозини олдини олиш учун тейлериозга

қарши вакцина олиш, кўп марта экиш йўли билан унинг вирулентлигини камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** тақлиф қилинган ихтиро касал юктирилган хужайраларнинг 1:1 нисбатда *Th.annulata* шизонтларини, озуқа муҳитини, янги туғилган бузоқнинг 20% ли қон зардоби билан буқа қони зардобини, тетрациклин и оксациллина антибиотикларининг натрийли тузи, фолий кислотаси, адьювант сифатида эса, гипсофилинни, криопротектор сифатида глицеринни ўз ичига олган икки ва уч марта қайта экилган культурасидан олинган суспензияни ўз ичига олади. Бунда культурал вакцина тейлери шизонтларининг суюқ азотда музлатилган ареактоген хужайравий суспензиясидан иборат. Вакцина тейлери шизонтларини хужайралар культурасида етиштириш ва қўшимчали оққа муҳитларида кетма-кет қайта-қайта экиш йўли билан олинади. Вакцинани бир марта қўллаш 1-8 ойлик бўғоз сигирлар учун хавфсиз, ёш ва катта қорамолларни 100% касалликдан сақлайди ва уларда узоқ муддатга иммунитет ҳосил қилади.

Использование: ветеринария, в частности, способы вакцинопрофилактики тейлериоза крупного рогатого скота. **Задача:** получение противотейлериозной вакцины для профилактики тейлериоза крупного рогатого скота разного возраста и стельных коров, снижение её вирулентности путем многократности пассажей. **Сущность изобретения:** предложенное изобретение содержит суспензию из двукратно и трёхкратно пересеваемых культур инфицированных клеток, содержащих шизонты *Th.annulata*, в соотношении 1:1, питательную среду, бычью сыворотку крови с 20%-ной сывороткой крови новорожденного теленка, антибиотик-тетрациклин и оксациллина натриевую соль, фолиевую кислоту, а в качестве адьюванта – гипсофилин, в качестве криопротектора- глицерин. При этом культуральная вакцина представляет собой ареактогенную клеточную суспензию шизонтов тейлери, замороженных в жидком азоте. Получают вакцину путем культивирования шизонтов тейлери в культуре клеток и последовательного многократного посева и пересева на питательных средах с добавками. Однократное применение вакцины безопасно для коров 1-8 месячной стельности, предохраняет 100% молодняка и взрослых животных от заболевания и создает у них длительный иммунитет.

(13) В
 (21) IAP 2015 0378 (22) 06.03.2014
 (51) A61K 9/20, A61K 9/28, A61K 9/50, A61K 31/4196, A61P 39/04
 (31)(32)(33) 61/774,893, 08.03.2013, US
 (31)(32)(33) 61/824,435, 17.05.2013, US
 (71) НОВАРТИС АГ, СН
 (72) ГХОШ, Индраджит, ЧЖАН, Цзя-Ай, US
 (85) 08.10.2015
 (86) 06.03.2014, PCT/IB2014/059494
 (87) 12.09.2014, WO 2014/136079
 (54) Деферазироксинг орал таркиблари
 Оральные составы деферазирокса

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* фармацевтика, айнан таркибида деферазирокс бўлган орал киритиладиган дори препарати. *Вазифаси:* таркибида ошқозонни қўзғатишни бартараф этиш, овқатланишнинг таъсирини минималлаштириш ва беморларга даволаш режими ва схемасига риоя қилишни яхшилаш хусусиятларига эга деферазирокс бўлган орал киритиладиган дори препаратини олиш. *Ихтиро моҳияти:* таркибида дори воситасининг умумий массасига ҳисоблаганда массаси бўйича 45% дан 60% гача микдорда деферазирокс ёки унинг фармацевтик макбул тузи бўлган орал киритиладиган дори препарати таклиф қилинган бўлиб, кўрсатилган дори препарати ошқозон шароитларида секинлаштирилган ажралиб чиқиш ва деярли нейтрал ёки нейтрал рН да тез ажралиб чиқиш хусусиятига эга.

Использование: фармацевтика, а именно орально вводимый лекарственный препарат, содержащий деферазирокс. *Задача:* получение лекарственного препарата, содержащего деферазирокс, способного предотвратить раздражение желудка, минимизировать влияние питания и улучшить соблюдение больным режима и схемы лечения. *Сущность изобретения:* предложен орально вводимый лекарственный препарат, содержащий: деферазирокс или его фармацевтически приемлемую соль, представленную в количестве от 45% до 60% по массе в пересчете на общую массу лекарственного средства, при этом указанный лекарственный препарат имеет сниженное высвобождение в условиях желудка и быстрое высвобождение при почти нейтральном рН или нейтральном рН.

В бўлими
 ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Раздел В
 РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

B01

(13) В
 (21) IAP 2015 0329 (22) 14.08.2015
 (51) B 01 D/
 (31)(32)(33) 201410398944.9, 14.08.2014, CN
 (71) ХЕНАН ДРАГОН ИНТО КОАЛ ТЕКНОДЖИ КО., ЛТД, СН
 (72) ЖУ Шученг, СН
 (54) Юқори температурали нефт газ, сув буғи ва чўқиндига тушишга майл бўлган карбидлар газсимон аралашмасидан чангни филтрлаш тизими
 Система фильтрации пыли из газообразной смеси высокотемпературного нефтяного газа, водяного пара и подверженных выпадению в осадок карбидов

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* углекимёвий ишлаб чиқариш жарёнида газдан чангни чиқариб ташлаш, аниқроғи, юқори температурали нефт газ, сув буғи ва чўқиндига тушишга мойил бўлган карбидларнинг газсимон аралашмасидан чангни филтрлаш тизими. *Вазифаси:* газдан катта микдордаги чангни тез ва самарали чиқариб ташлайдиган самарали филтрлаш тизимини яратиш. *Ихтиро моҳияти:* камера ичида филтрни ўз ичига олган юқори температурали нефт газ, сув буғи ва чўқиндига тушишга мойил бўлган карбидларнинг газсимон аралашмасидан чангни филтрлаш тизимида, ихтирога мувофиқ ёпиқ сепарация камераси киритиш канали ва тортиш канали, унинг ичида жойлашган филтрлаш механизми билан бириктирилган, унинг ташқи сирти киритиш канали билан, ички сирти эса, тортиш канали билан уланган, чангни филтрлаш тизими филтрни қайта тиклаш механизмини ўз ичига олади.

Использование: удаление пыли из газа в процессе углехимического производства, система фильтрации пыли из газовой смеси высокотемпературного нефтяного газа, водяного пара и подверженных выпадению в осадок карбидов.

Задача: создание эффективной фильтрующей системы, которая бы быстро и эффективно удаляла большое количество пыли из газа. **Сущность изобретения:** предложена система фильтрации пыли из газовой смеси высокотемпературного нефтяного газа, водяного пара и подверженных выпадению в осадок карбидов, содержащая фильтр в камере, согласно изобретению, закрытая сепарационная камера соединена с впускным каналом и вытяжным каналом, с находящимся внутри нее фильтрующим механизмом, чья наружная поверхность соединена с впускным каналом, а внутренняя поверхность соединена с вытяжным каналом, при этом система фильтрации пыли содержит механизм регенерации фильтра.

(21) IAP 2015 0393

(22) 17.03.2014

(51) B01D 53/00

(31)(32)(33) 61/788,442, 15.03.2013, US

(31)(32)(33) 14/210,909, 14.03.2014, US

(71) Нокс АйАй Интернешнл, Лтд., US

(72) КОТЧ, Джордж М., ЭББОТ, Мюррей, БАТАНИАН, Салли, US

(85) 14.10.2015

(86) 17.03.2014, PCT/US2014/030244

(87) 18.09.2014, WO 2014/145473

(54) Кўмирни ёқишда атроф мухит ифлослашиши ва қолдиқлар ҳосил бўлишини камайтириш

Снижение загрязнения окружающей среды и образования отложений при сжигании угля

